O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 12 сентябрь, № 179 (4078) Сешанба



Республикамиз аҳолиси хонадонлари, мавжуд корхоналари ва ташкилотларини электр қувватисиз тасаввур этиш қийин. Бу муаммони ҳал этишда Андижон ГЭСи жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувэнерго» ихтисослашган бирлашмасига қарашли ушбу корхона 1983 йилда ишга туширилган. Унинг ишлаб чиқариш қуввати 140 мВТга тенг бўлиб, жами ишчи-хизматчилар сони 107 нафарни ташкил этади.

НУРАФШОН ЎЛКА

Сўнгги йилларда корхона раҳбарияти ташаббуси билан Хитой Халқ Республикаси инвестициясини жалб этиш ҳисобига ГЭСнинг агрегатлари бутунлай янгиланиб, уларнинг қуввати бир неча баравар орттирилди. Ишчи-хизматчиларга эса бепул тиббий хизмат кўрсатиш, ишга автобусларда бориб-келиш, спорт билан шуғулланиш, улар фарзандларининг корхона оромгоҳида дам олиши йўлга қўйилди.

— Ўтган давр мобайнида корхонамизда ишлаб чиқилган электр қуввати жами 10748,3 миллион КВТ соатга етди, — дейишди ишчилар. — Биз бундан буён ҳам бу кўрсаткични доимо ошириб борамиз, унинг узлуксизлигини таъминлаш йўлида бутун куч-ғайратимизни сарфлаб, туну кун ишлайверамиз.

СУРАТДА: корхона ишлаб чиқариш эксплуатация бўлими бошлиғи Иброҳимжон Мирзараҳимов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Коичиро МАЦУУРА:

МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ КУТГАНИМДАН ҲАМ ЗИЁДА ЭКАН

ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура 7-10 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Сафар асносида у Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашди, вазирлик ва идораларда, олий ўқув юртларида музокаралар ўтказди, қадимий шаҳарларимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди. Жумладан, Хоразмдаги Маъмун академиясининг 1000 йиллиги нишонланиши муносабати билан Хива шаҳрини зиёрат қилди.

Меҳмон, аввало, «Хоразм вилоятида ер ва сувдан фойдаланишнинг экологик ва иқтисодий реструктуризацияси» деб номланган илмий-тадқиқот лойиҳасининг ижроси учун махсус ташкил этилган марказ фаолияти билан танишди. ЮНЕСКО шафелигида амалга оширилаётган бу лойиҳа доирасида Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университетининг талаба ва ўқитувчилари Германиядаги Бонн университетининг Тараққиёт тадқиқотлари маркази (ZEF) олимлари билан бирга ҳамкорликда изланишлар олиб бормоқда. Ўн йилга мўлжалланган лойиҳадан

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Баённомани (Шанхай, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 15 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 26 августда маъқулланган

2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Баённома (Шанхай, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 11 сентябрь.
№ ЎРҚ — 46

Президент қарорини ўқиб

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТИ – ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Маънавий-маърифий ва мафкуравий тарғибот ишлари ҳеч қачон ҳозиргидек долзарб вазифага айланмаган. Маънавий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлгани, мафкуравий таҳдид ва ахборий хуружлар кўпайиб бораётгани, одамлар онги ва қалбини эгаллаш йўлидаги кураш жараёнлари кучайгани учун ҳаётнинг барча жабҳалари, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳалари, аҳолининг ҳамма қатламлари орасида маънавий-маърифий ва мафкуравий соҳада жадал ишларни амалга ошириш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Мустақилликка эришганимизнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўтган давр мобайнида бир неча бор Президент Ислом Каримовнинг маънавий-маърифий, мафкуравий ислоҳотларга оид фармонлари эълон қилинди. Бу фармонлар асосида урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз қайтадан тикланди.

Хусусан, 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши халқимиз маънавиятини юксалтиришда навбатдаги залворли қадам бўлди.

Маълумки, халқимиз тарихининг буюклиги, аввало, маънавияти ва маърифатининг юксаклиги билан белгиланади. Хоразмий, Беруний, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз инсоният тараққиётига, хусусан, илм-фан, маънавият ва маърифатнинг юксалишига улкан ҳисса қўшган. Темурийлар, Бобурийлар томонидан яратилган буюк салтанатлар, улар раҳнамолигида барпо этилган муҳташам тарихий обидалар бугун ҳам халқимиз даҳоларининг ёрқин намуналари сифатида дунё аҳлини ҳайратга солиб келмоқда.

Халқимиз даҳолари яратган юзлаб бадиий асарлар жаҳон адабиётининг тенгсиз дурдоналари сифатида инсониятнинг маънавий мулкига айланган. Хуллас, ўзбек халқи маънавиятини юксакликка кўтарган мисолларнинг чек-чегараси йўқ. Улар ватандошларимизнинг дунёқараши, феъл-атвори, тафаккури ва тийнатида, урф-одатлари, анъаналари ва удумларида ўз ифодасини топган.

Жаннатмонанд юртимизга ёвуз мақсадлар билан келган босқинчилар, мустамлакачилар бундай юксак маънавият олдида ўзларини ёввойи ҳис қилган ва ваҳшийларча гўзал обидаларни вайрон этган, бебаҳо китобларни ўтда ёққан, илм-фан, маънавият ва маърифат тараққиётини бўғишга уринган. Улар томонидан минг-минглаб зиёлилар, ёзувчилар, санъаткорлар қатағон қилинган, тарихий осори атиқаларимиз, бойликларимиз шафқатсизларча таланган. Бу мудҳиш жараён то Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар давом этди.

Масалан, XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида собиқ марказ томонидан ўйлаб чиқилган "пахта иши" баҳонасида минг-минглаб ватандошларимиз ноқонуний равишда қамоққа олинган, уларнинг қариндош-уруғларига тазйиқ ўтказилган. Собиқ қизил армия сафида хизмат қилган юзлаб ватандошларимиз фожиали тарзда ҳалок этилган. Оммавий ахборот воситаларида буюк ўзбек миллатини "пахта ўғриси"га чиқармоқчи бўлишган. Тарихда "сўнгги қатағон" деб ном олган бу мудҳиш жараён республика ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган. Худди 30-йиллардаги каби, судсиз, сўроқсиз минглаб одамлар қамоққа олинган, миллатлараро низолар уюштирилган, бегуноҳ ватандошларимизнинг қонлари тўкилган. Юртимизга юзлаб "десантчилар" юборилган ва "ўзбеклар иши" деган миллатимиз шаънига мутлақо мувофиқ бўлмаган туҳматларни тўкишиб, дунёга жар солишган. Халқимизнинг маънавияти ва миллий қадриятларига қарши кураш аввалгидан ҳам шафқатсизроқ тус олган.

Даҳрийлик жазаваси шу даражага етиб борганки, ўз яқинларининг жанозасига борганлар ҳам таъқиб қилина бошлаган. Табиийки, бундай таҳдидлар жамиятдаги таҳликани, саросимани янада кучайтирган. Натижада баъзилар ота-онаси ёки яқинлари оламдан ўтганида жанозага боришдан қўрқиб, зудлик билан касалхонага ётиб олишган ёки "хизмат сафари"га жўнаб қолишган. Бугина эмас. Ҳатто "алла", "ялла" каби сўзлар "Аллоҳ" сўзидан келиб чиқмаганмикан, деган мутлақо асоссиз қарашлар ўртага ташланган. Бу миллий қадриятларимизни, ота-боболаримиз асрлар оша эътиқод қилиб келган муқаддас ислом динини таҳқирлашдан ўзга нарса эмас эди.

Одамлар турли "туғилган кун"лар, "юбилей"лар баҳонасида фарзандларини минг бир қўрқув билан пинҳона суннат қилишган. Никоҳлар ҳам масжидда махфий тарзда ўқилган. Ўзбек тили шунчаки рўзғорда ахборот алмашадиган восита даражасига тушириб қўйилган эди.

(Давоми 2-бетда).

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартноманинг имзоланишига доир «Жаҳон» ахборот агентлигининг хабари

2006 йил 8 сентябрь куни Қозоғистон Республикасининг Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиёнинг бешта мамлакати ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Ҳужжатга Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Қосимжомарт Токаев, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Алибек Жекшенқулов, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Саймўмин Ятимов, Туркманистон Республикасининг Қозоғистондаги элчиси Муҳаммад Абалаков имзо чекдилар.

Маросимда БМТнинг Осиё ва Тинч океани минтақасидаги тинчлик ва қуролсизланиш масалалари бўйича минтақавий маркази директори Цутому Ишигури, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) бош директорининг биринчи ўринбосари Юрий Соколов, дипломатия корпуси, халқаро ва нодавлат ташкилотлари, хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маросимда шартномага қўшилган мамлакатлар вакиллари ушбу ҳужжатнинг имзоланиши минтақа давлатлари томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, МАГАТЭ ҳамда "ядровий бешлик" — АҚШ, Буюк Британия, Россия, Франция ва Хитойнинг фаол иштироки ва кўмаги ёрдамида амалга оширилган кўп йиллик саъй-ҳаракатларнинг самараси бўлганини таъкидладилар. Шу ўринда мазкур ташаббус БМТнинг барча аъзолари, жумладан ядро қуролига эга мамлакатлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватлангани, ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш ва у борасидаги келишувга эришиш жараёнида илк маротаба бевосита иштирок этган БМТнинг аҳамияти алоҳида қайд этилди.

Маросим қатнашчилари Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуси илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 1993 йил 28 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурилганига эътибор қаратдилар. 1997 йили Тошкентда ўтказилган "Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд" мавзуидаги халқаро конференция эса бу йўлдаги илк жиддий қадам бўлиб, унинг натижасига кўра шартномани тайёрлаш учун Минтақавий экспертлар гуруҳи (МЭГ) тузилди. Бу хусусда гапириб, Қозоғистон ташқи ишлар вазири Қосимжомарт Токаев, хусусан, бундай деди: "Биз тўққиз йил давом этган қизғин ишларни якунладик. Шартнома уни имзолаш ташаббусини биринчи бўлиб илгари сурган Ўзбекистон пойтахтида тасдиқланган".

1997-2002 йилларда БМТнинг Қуролсизланиш масалалари бўйича департаменти ва МАГАТЭ экспертларининг фаол кўмагида Женева, Ашгабад, Тошкент, Сапророда икки маротаба ва Самарқандда қатор амалий учрашувлар ўтказилди. 2002 йил 27 сентябрда Самарқандда ўтган сўнгги учрашув чоғида шартномани имзолаш маросимини Семипалатинск шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

2002 йилнинг иккинчи ярмида БМТ бош қароргоҳида "ядровий бешлик" (АҚШ, Буюк Британия, Россия, Франция ва Хитой) экспертлари билан икки маротаба маслаҳатлашув учрашувлари ўтказилди. Уларнинг якунлари бўйича шартнома лойиҳасига муайян ўзгартириш ва таклифлар киритилди.

2005 йил 7-9 февраль кунлари Тошкентда Минтақавий экспертлар гуруҳининг еттинчи учрашуви бўлиб ўтди. Унда "ядровий бешлик" мамлакатлари, МАГАТЭ ҳамда БМТнинг Ҳуқуқий масалалар бўйича департаменти таклиф ва мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда Марказий Осиё мамлакатларининг шартнома матни юзасидан умумий ёндашуви масаласида келишиб олинди.

Шартноманинг имзоланиши жаҳонда кенг таассуротга сабаб бўлди. Шу муносабат билан БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўзининг маросим қатнашчиларига йўллаган мурожаатномасида ядро қуролидан холи ҳудудларнинг яратилиши ядровий тарқатмаслик тартибини кучайтиришга, ядро қуролидан холи бўлган дунёга эришишга йўналтирилган чора-тадбирлар самарасини оширишга ҳамда минтақавий тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этди.

— Марказий Осиё давлатларининг саъй-ҳаракатлари бу йўлда олға силжишимизга ёрдам берсин, — деди Кофи Аннан.

Шартномани имзолаш маросимида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ядро қуролидан холи ҳудудни ишлаб чиқиш ва яратиш жараёнига илк бор бевосита жалб этилганига иштирокчилар эътибори қаратилди. Марказий Осиё давлатлари экспертлари БМТнинг Қуролсизланиш масалалари бўйича департаменти ва МАГАТЭ экспертлари билан ҳамкорликда БМТ Бош Ассамблеяси, БМТнинг Қуролсизланиш бўйича қўмитаси, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома қоидалари ҳамда ядровий қуролсизланиш ва тарқатмаслик соҳасидаги бошқа ҳужжатларнинг барча талабларига мос келувчи шартнома матнини ишлаб чиқди.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуси Бош Ассамблеянинг резолюция ва қарорлари доирасида, шунингдек, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома доирасидаги конференциялар ҳужжатларида доимо қўллаб-қувватлаб келинди.

БМТнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш борасидаги ролини қайд этар экан, ушбу ташкилотнинг Осиё ва Тинч океани минтақасида тинчлик ва қуролсизланиш масалалари бўйича минтақавий маркази директори Цутому Ишигури марказ расмий даражадаги қатор экспертлар учрашуви ва музокарларни ташкиллаштиришдан ташқари, расмий музокаралар асосини тайёрлаш мақсадида Нью-Йоркда олтмишга яқин норасмий йиғилиш ўтказганини таъкидлади.

Шу ўринда Ц. Ишигури музокаралар чоғида Марказий Осиё мамлакатлари қатор қийинчиликларга дуч келганини, бироқ шунга қарамай, улар минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш йўлида ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштира олганини эътироф этди. Беш мамлакат ўртасидаги бундай ишонч ҳужжатни қабул қилиш борасида муваффақиятга эришишда муҳим омил бўлди.

— Шартноманинг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва имзоланиши БМТга аъзо мамлакатлар ўртасида ядро қуролидан холи бўлган дунёни яратиш борасидаги умумий мақсадларга эришишда аъло даражадаги амалий алоқалар йўлга қўйилганини намоён этди, — деди БМТнинг Осиё ва Тинч океани минтақасида тинчлик ва қуролсизланиш масалалари бўйича минтақавий маркази директори.

— Россия минтақанинг ядро қуролидан холи ҳудудга айлантирилишини қўллаб-қувватлайди. Семипалатинскда имзоланган ҳужжат Марказий Осиё давлатларининг глобал хавфсизлик тизими ва тарқатмаслик тартибини мустаҳкамлашга қўшган муҳим ҳиссаси бўлиб, у минтақа мамлакатларининг жаҳон майдонидаги мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда минтақавий хавфсизликнинг ишончли тизимини шакллантириш йўлидаги муҳим қадамларидан бири бўлади, — деди Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин.

АҚШнинг Монтерей халқаро тадқиқотлар институти Тарқатмасликни тадқиқ қилиш маркази директори, профессор Уильям Поттер минтақани ядро қуролидан холи ҳудудга айлантирадиган янги тарихий шартномани имзолаган Марказий Осиё давлатларини табриклади.

— Ушбу ҳужжат халқаро ҳамжамиятнинг ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш ва ядровий террорчиликка қарши қаратилган саъй-ҳаракатларини мустаҳкамлаши лозим. У қуролсизланиш, тинчлик ва хавфсизлик мақсадларига эришиш йўлида ташланган улкан қадамдир, — деди У.Поттер.

Американинг "Озодлик" радиоси Нью-Йоркдаги Колумбия университети эксперти Кимберли Мартеннинг "имзоланган шартнома нафақат Марказий Осиё, балки бутун жаҳон учун ҳақиқатдан ҳам ажойиб воқеа бўлди", деган сўзларини келтиради.

— Марказий Осиё етакчилари, жумладан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ўн йил давомида ушбу шартномани имзолашга даъват этиб келди, — дея қайд этади эксперт.

Би-Би-Си эса ҳужжатнинг имзоланишини шарҳлаб, "9 йил мобайнида яратилган шартнома БМТ қўмагида тайёрланиб, ядро энергиясидан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланишни назарда тутади", дея таъкидлаган.

"Ассошиэйтед Пресс" агентлиги Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи ҳудуд энергия заҳираларига бой минтақада яратилаётганини қайд этган ҳолда "шартномани имзолаб, Марказий Осиёнинг бешта давлати ўз ҳудудида ядро қуролини ишлаб чиқармаслик, сотиб олмаслик ва тарқатмаслик мажбуриятини олди. Бу каби ҳудудлар давлатларни ядро таҳдидидан ҳимоя қилади", деб ёзади.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома унга қўшимча равишда "ядровий бешлик" давлатлари томонидан протокол имзоланишини назарда тутади. Семипалатинскдаги имзолаш маросимида шартномага аъзо мамлакатлар вакиллари ядро қуролига эга бўлган давлатлар билан бу каби протоколни тайёрлаш борасидаги ишларни давом эттиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани имзолаш маросими иштирокчиларига мурожаатномаси

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани имзолаш маросими Марказий Осиёдаги беш мамлакатнинг минтақани ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома юзасидан келишувга эришишдаги кўп йиллик саъй-ҳаракатлари йўлида ташланган яна бир қадам бўлди. Бош Ассамблея дунёда ядро қуролидан холи ҳудудларнинг яратилишини тарғиб этиш ва рағбатлантиришга оид резолюцияларни бир неча бор қабул қилган. Бундай ҳудудлар тўғрисидаги шартномалар ядровий қурол...зланиш ва тарқатмасликка хизмат қилиб, у ёки бу минтақанинг барқарорлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади. Уларнинг яратилиши дунёнинг қатор минтақалари, хусусан, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи, Жанубий Тинч океан минтақаси, Жанубий-Шарқий Осиё ва Африка учун аҳамиятли бўлди.

БМТ Бош Ассамблеяси ва Қуролсизланиш масалалари бўйича қўмитаси ядро қуролидан холи ҳудудлар бу йўналишдаги келишувларнинг самарадорлиги ва аҳамиятини таъминлаш мақсадида ядро қуролига эга бўлган давлатлар билан яқиндан маслаҳатлашилган ҳолда ишлаб чиқилиши лозимлигини кўрсатувчи аниқ йўналишларни таъминлаб берди. Таъкидлашим жоизки, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартноманинг айрим жиҳатлари мазкур мамлакатларнинг баъзилари томонидан ҳозир ҳам ўрганилмоқда. Шу боис мен Марказий Осиё давлатларини тафовутларни бартараф этиш ва ҳужжатни самарали равишда амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида ядро қуролига эга давлатлар билан ҳамкорликда ишлашга чорлайман.

Ядро қуролидан холи ҳудудлар алоҳида ва коллектив тарзда ядровий тарқатмасликнинг глобал тартибини кучайтиради, ядро қуролидан холи дунёга эришишдаги халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиради, глобал ва минтақавий тинчлик ва хавфсизликни сезиларли даражада мустаҳкамлайди. Марказий Осиё давлатларининг саъй-ҳаракатлари бу йўналишда олға силжишимизга ёрдам берсин.

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТИ – ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз мустақилликка эришган пайтда жамият шундай оғир, таназзул комига тортилган, халқнинг руҳи чўккан, одамлар эртанги кунга бўлган ишончини йўқотган, жиноятчилик авжига минган, босқинчилик, одам ўлдириш, машина ўғирлаш каби мудҳиш жиноятлар одат тусига кирган эди. Президент Ислом Каримов ўша даврдаги вазиятни қуйидагича изоҳлаган: "Халқнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти обдон оёқ ости қилинди, она тилининг қўлланиш соҳаси сунъий тарзда чеклаб қўйилди. Ҳатто, шундоқ ҳам миллий анъаналардан анча олисда бўлган айрим санъат турлари ҳам кимларгадир мақбул бўлмай қолди ва уларни янгилашга уриндилар. Ҳатто, миллий либос ҳам қораланди. Кези келганда, одамлар миллий анъаналар бўйича тўй қилиш, қариндош-уруғларини дафн этишга ҳам чўчиб қолган эдилар".

Ана шундай мураккаб шароитда халқни янги мустақил давлат барпо этишга сафарбар қилиш учун, аввало, унинг маънавиятини, руҳиятини тиклаш лозим эди. Худди шу сабаб Ўзбекистон раҳбари ўз фаолиятини маънавиятимизни тиклашдан бошлади.

Ўтган йиллар давомида тоталитар тузум даврида тақиқланган, миллий тафаккуримиз ва тарихий хотирамизнинг ёрқин ифодаси рамзи бўлган миллий ва диний қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, байрамларимиз, қарийб унутилаёзган буюк аждодларимизнинг муборак номлари ҳаётга қайтди, уларнинг эзгу ишлари эъзоз ва қадр топди. Ташландиқ жойларга айлантирилиб, вайрона бўлган минглаб масжиду мадрасалар, муқаддас қадамжолар таъмирланди. Ман қилинган китоблар чоп этилди. Тарихимиз тўғрисидаги асл ҳақиқат рўёбга чиқди. Ўзимизга савол бериб кўрайлик: буларсиз биз киммиз? Ҳаётимизни уларсиз тасаввур эта оламизми? Бу саволларга инсоф билан, тўғри жавоб бера олсаккина масаланинг туб моҳиятига етишимиз мумкин.

Фақат мустақиллик шарофати билангина минглаб юртдошларимиз ҳаж ибодатларини эмин-эркин адо этиш ҳуқуқига эга бўлди. Совет даврида муқаддас ҳаж сафарига йилига бир-икки киши борган бўлса, ҳозирги кунга келиб йилига 4 мингдан ортиқ ватандошларимиз ҳажга бориб келмоқдалар.

Шундай қилиб, тарих учун бир сониядек бўлган бу даврда Ўзбекистон асрларга татигулик тараққиёт ва маънавий юксалиш йўлини босиб ўтди. Халқимизнинг асрлар мобайнида мисқоллаб тўплаган бебаҳо маънавий меросини тиклаш ва одамларни ундан баҳраманд қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Буюк аждодларимизнинг таваллуд тўйлари, қадимий шаҳарларимиз ва "Авесто", "Алпомиш" каби буюк асарларимизнинг юбилейлари ўтказилди. Буларнинг аҳамияти нимада?!

Булар туфайли, биринчи навбатда, биз ўзлигимизни англадик, ўтганларнинг руҳи шод, кўнгил мулкимиз обод бўлди. Шаҳар ва қишлоқлар, мадрасаю масжидлар қайта тикланди, қанчадан-қанча китоблар чоп этилди. Иккинчидан, маънавиятимиз орқали миллатимиз қадри, шаъну шавкати тикланди. Булар ҳаммаси мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлод учун ватанпарварлик ва фидойилик, элим деб, юртим деб ёниб яшашнинг, миллат истиқболи учун қайғуришнинг ёрқин ифодаси бўлиб қолади. Бунга шубҳа йўқ.

Юртимизда бошланган ана шундай эзгу жараёнларни амалга оширишга мўлжалланган, ислоҳотларнинг устувор йўналишига айлантириш мақсадида 1994 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази ташкил этилди. Бу давлатчилигимиз тарихида аввалгилари кузатилмаган ҳодиса ҳисобланади. Мазкур Фармонда миллий тафаккурни ривожлантириш, маънавият ва маърифатни янада камол топтиришга кўмаклашиш ниятида "Тафаккур" журналини чоп этиш ҳам белгилаб қўйилган.

Шундан кейин жойларда маънавият ва маърифат ишларига эътибор янада кучайди, вилоятларда Марказ бўлимлари, махсус тарғиботчилар гуруҳлари ташкил этилди. Минглаб учрашув, мулоқот, давра суҳбатлари уюштирилди, юзлаб мақолалар, илмий рисолалар чоп этилди.

> **Халқимизнинг асрлар мобайнида мисқоллаб тўплаган бебаҳо маънавий меросини тиклаш ва одамларни ундан баҳраманд қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.**

Тарихдан маълумки, барча давлатларда ҳам тараққиёт, аввламбор, инсонларнинг маънавий камолоти билан белгиланади, мутараққий давлат фақат юксак маънавият заминидагина вужудга келади. Шунинг учун ҳам маънавий ислоҳотларни янада жадаллаштириш, халқимизни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек улуғ мақсадга сафарбар этиш, уларнинг имкон ва салоҳиятини бирлаштириш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида 1999 йил 3 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Унда "мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириб боришда юксак маънавият ва маърифатли миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур эгаллаган, демократик тамойиллар ҳамда фуқаролик жамияти асосларини ҳар томонлама ўзлаштирган, шахсий ва умуммиллий манфаатларини ўзаро уйғун кўра оладиган эркин шахс ва онгли авлод тарбиялаш" Кенгашнинг асосий вазифаси сифатида белгилаб қўйилди.

Маълумки, ҳозирги даврда турли мафкура ва таълимотлар ўртасидаги зиддиятлар тобора кучайиб, инсон онги ва тафаккурини забт этиш қуролли тўқнашувларга олиб бормоқда. Жумладан, халқаро терроризм ва ақидапарастликнинг бошқа кўринишлари асримиз вабоси сифатида кўплаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Фаҳш, жангарилик, зўравонлик, миллий маҳдудлик, информацион хуружлар ёшларимиз онгига таҳдид қилмоқда. Улардан кўзланган асосий мақсад — ғайриинсоний тубанликни тарғиб қилиш, миллий қадриятларимизни обрўсизлантиришдир. Ана шундай глобал таҳдидларни бартараф этиш, қадриятларимизни асраб-авайлаш, глобаллашув жараёнида ўзлигимизни асраб қолишни тўла таъминлаш ҳам Кенгашнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Уни амалга ошириш учун жамиятимиздаги барча соғлом кучларни бирлаштиришимиз керак. Зеро бугун халқларнинг тақдири жангоҳларда эмас, балки мафкуравий, маънавий-маърифий кураш майдонларида ҳал бўлмоқда.

Бу тўғрида мазкур қарорда шундай дейилади: "халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртбошимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг фаолият ва таркибий тузилишини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда". Бу билан Республика Маънавият ва Маърифат Кенгаши зиммасига ғоят масъулиятли вазифалар юклатилган.

Ушбу қарорда Республика Маънавият тарғибот марказига ҳам маънавиятнинг маъно-моҳияти, унинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини олиб бориш вазифаси юкланган. Хуллас, жамиятимиздаги маънавий ва мафкуравий муҳитни янада соғломлаштириш борасида қиладиган ишларимиз кўп. Уларни уддалашда бизни бундан буён ҳам мамлакатимиз раҳбарияти ва кенг жамоатчилик ҳар томонлама қўллаб-қувватлашига ишонамиз.

Қуддус АЪЗАМОВ,
Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари.

Ўтган ҳафтага назар

УЛКАН ХИЗМАТЛАР ЭЪТИРОФИ

Мустақиллик байрами зўр тантаналар билан нишонланиб, юртимиз аҳли яна жадал ишлар, йирик, кенг миқёсдаги тадбирлар, кундалик юмушлар билан тўлиб-тошган жўшқин ҳаётга қайтди. Ўтган ҳафта республикадаги минглаб умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва коллежлар, олий ўқув юртларида янги ўқув йилининг очилиши билан бошланди. Бутун мамлакат ҳаётига дахлдор бўлган ана шундай воқеалардан яна бир қанчасини тилга олиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 сентябрь куни давлат ташрифи билан Қозоғистон Республикасида бўлди. Бу – 2006 йил ҳисобидан Президентларнинг учинчи учрашувидир. Йил бошида Юртбошимиз Президент Нурсултон Назарбоевнинг инагурация маросимида қатнашиш учун сафар қилган бўлса, 19-20 март кунлари Қозоғистон раҳбари давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Мазкур ташриф эса ўзаро Абадий дўстлик шартномасини имзолаган, юксак даражадаги муносабатларни йўлга қўйган давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Ташриф чоғида минтақавий хавфсизликни таъминлаш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, божхона ва чегаралардан ўтиш тартиблари, транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, иқтисодий ва бизнес алоқалари, банклараро ва молиявий муносабатлар, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик сингари жуда кўплаб масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Таъкидлаб ўтиш керакки, юқоридаги масалалар юзасидан аниқ келишувларга эришилди. Шунингдек, ШҲТ, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сингари муҳим халқаро ташкилотларга аъзо бўлган давлатларимиз раҳбарлари бир қанча халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Умуман, Остона учрашуви, унда олиб борилган музокаралар, келишув ва битимлар Ўзбекистон — Қозоғистон ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириб, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «бу нафақат икки томонлама муносабатлар, балки бутун Марказий Осиё минтақасидаги жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади».

Ҳафта ниҳоясида яна бир муҳим ташриф амалга оширилди — республикамизга ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура меҳмон бўлиб келди. Мустақиллик йилларида бутун дунёда ўзига хос бўлган таълим тизими моделини яратиш, миллий ўзликни англаш йўлида улкан ислоҳотлар бошлаган мамлакатимиз билан ушбу нуфузли халқаро ташкилот ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ришталари ўрнатилган. Юқори мартабали меҳмон билан Президент Ислом Каримов ўртасида Оқсаройда бўлиб ўтган қабул чоғида ҳам ана шу ҳамкорлик самаралари алоҳида эътироф этилди. «Истиқлол йилларида Ўзбекистон сизнинг раҳбарлигингизда ҳар томонлама ривож топди. Ўзбекистонга учинчи бор келишим. Ҳар сафар келганимда юртингизда улкан бунёдкорлик ишларининг самараларига, иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маърифий ҳаётда юз бераётган кенг кўламли ўзгаришларга гувоҳ бўламан», деди Коичиро Мацуура учрашувда. Ташкилот раҳбари Юртбошимизга 1983 йилда таъсис этилган ЮНЕСКОнинг юксак унвонларидан бири бўлмиш «Боробудур» олтин медалини топширди. Таъкидланганидек, бу медал Ислом Каримовга халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маданият ва динлараро мулоқотни ривожлантириш, таълим тизимига бағриқенглик ғояларини жорий қилиш йўлидаги улкан хизматлари учун берилди.

Бундан ташқари, 8 сентябрь куни республика матбуотида учта муҳим ҳужжат эълон қилинди. Булар — «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Президент Қарори, Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган иккита тузатиш (Пекин, 1993 йил 3 декабрь; Монреаль, 1997 йил 17 сентябрь)ни ратификация қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунларидир. Уларнинг ҳар бири биз учун катта аҳамиятга эга. Жумладан, Президент Қарори ёлғиз кексалар, ногиронлар, пенсионерларга хизмат кўрсатиш ва уларни муҳофаза қилиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда янада яхшилашни кўзда тутади. Бу ижтимоий муҳофазага йўналтирилган давлат сиёсатини юритишдаги навбатдаги қадам бўлади. Қонунлар эса мамлакатимиз қонунчилик тизимининг халқаро ҳуқуқ мезонларига мослаштиришга, ишлаб чиқариш катта суръатлар билан ривожланиб бораётган юртимизда янги қатъий экологик стандартларни жорий қилишга хизмат қилади. Дарвоқе, сўнгги икки тузатишнинг ратификация қилиниши халқаро ҳамжамият, хусусан, атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи халқаро ташкилотлар томонидан қувонч билан кутиб олинди.

Халқаро майдонда ҳам кўплаб муҳим воқеалар юз берганини айтиб ўтиш ўринли. Жумладан, Жанубий Осетия ва Грузия чегарасида содир бўлган тўқнашув ва унда бир неча кишининг ҳалок бўлиши минтақадаги вазиятнинг кескинлашаётганлигидан далолат беради. Яқин Шаркда эса Исроил аввалги келишувлар асосида Ливанга қўйилган ҳаво блокадасини олиб ташлади. Энди ҳудуддаги барқарорлик халқаро тинчликпарвар кучларни зудлик билан жойлаштириш ва музокаралардаги аҳдларга қатъий амал қилишга боғлиқ бўлиб турибди. Шунингдек, Эрон ядро дастури юзасидан Венада олиб борилган музокаралар ҳамда АҚШда аста-секин бошланиб келаётган тўфонлар мавсуми ҳам диққатни тортади. Мутахассисларнинг фикрича, айнан мана шу икки жиҳат ҳозирга келиб бироз «ўзини босиб олган» нефть нархларининг келгусидаги ҳаракатини белгилаб беради.

Халқаро майдондаги бу воқеалар юртимиз жамоатчилиги томонидан диққат билан кузатиб борилаётган шу кунларда, иқтисодиётимизнинг янги таянчига айланган фермерлар, заҳматкаш деҳқонларимиз бир йиллик меҳнат натижаси — далаларда қийғос очилаётган пахта ҳосилини йиғиштириб олишга киришмоқда. Мутахассислар бу гал ҳам йиллик ҳосилнинг 85 фоиздан ортиғини ўз зиммасига олган фермерларга асосий эътибор қаратилишини айтишмоқда. Байрам шуқуҳи ҳали тарк этмаган Ўзбекистон аҳли янги марралар, янги муваффақиятлар сари дадил одимламоқда.

Ботиржон ҒОФУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Коичиро **МАЦУУРА:**

МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ КУТГАНИМДАН ҲАМ ЗИЁДА ЭКАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўзланган асосий мақсад минтақа ландшафти реструктуризациясининг концепциясини ишлаб чиқишдан иборат.

Коичиро Мацуура Урганч давлат университетининг ўқитувчи ва талабалари билан учрашди. Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганидан, ташкилот мамлакатимиздаги қатор миллий ва минтақавий лойиҳаларда фаол иштирок этаётганидан мамнуният билдирди.

Меҳмон яқинда минг йиллиги нишонланадиган Маъмун академиясининг бир неча илмий лабораторияси фаолияти билан танишди, академия музейининг очилишида иштирок этди.

— Маъмун академиясидан олган таассуротларим кутганимдан ҳам зиёда бўлиб чиқди, — деди Коичиро Мацуура. — Яхши маълумки, дунёда бундан минг йил аввал пайдо бўлган олимлар ҳамжамияти шундай — Маъмун академияси, деб аталган. Бугун Ўзбекистонда фаолият юритаётган замонавий илмий марказ ҳам шундай аталади. Ундаги тадқиқотлар порлоқ келажак сари йўналтирилган. Бу марказ ҳам қадимий анъаналарни, ҳам ҳозирги замон илм-фани ютуқларини изчил давом эттирмоқда. Унинг минг йиллик шонли тўйини нишонлашда ЮНЕСКО ҳам иштирок этаётганидан биз фахрланамиз.

ЮНЕСКО Бош директори Ичан қалъани ҳаяжон билан томоша қилди.

Коичиро Мацуура Самарқандда ҳам бўлди. У аввал Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилди. Регистон мажмуи, Бибихоним масжиди, Сиёб бозори, Ҳазрати Хизр масжидига борди. ЮНЕСКО Бош директорида Шоҳи Зинда мажмуида олиб борилган бунёдкорлик ишлари, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

— Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов раҳбарлигида юртингизда қадимий обидалар, муқаддас қадамжоларни кўз қорачиғидай асраш ва келгуси авлодларга етказиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар бизни жуда қувонтирди, — деди Коичиро Мацуура. — Тошкент, Хива ва Самарқандда бунга яна бир карра гувоҳ бўлдим. Айниқса, Шоҳи Зинда мажмуида амалга оширилган таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари улуғ аждодларингиз меросига улкан эҳтиром намунасидир. Бу қадим шаҳарнинг 2750 йиллик юбилейида ЮНЕСКО вакиллари ҳам фаол иштирок этади.

Т.ШАМАКОВ,
А.ҚАРШИЕВ,
ЎзА мухбирлари.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ўзбекистон овози» 9 сентябрь.
Абдулла Собиров
«Санъатга сохталик ярашмайди»:

«Бугун тўйларимизда «хизмат» қилаётган аксарият «санъаткор»ларни бу йўлдан қайтариш қийин. Яқинда бир тўйда «хизматда бўлган» йигитчанинг ғаройиб ҳикоясидан лол қолдик. Айтишича, ота-боболари замонасида яшаб ўтган бир машҳур санъаткорни тушида кўриб, унга шогирд тушибди. Шу-шу «шогирд» ҳофизлик мартабасига етибди».

«Ишонч» 9 сентябрь.
Ҳидоят Жўраева
«Томошабин талаби қондирилаяптими?»:

«Ромео ва Жульетта» — жаҳон адабиётидаги соф севги, эришилмаган муҳаббатнинг бадиий талқини нозик дид, бетакрор маҳорат билан ёритиб берилган ноёб асар. Афсуски, бугун ҳаваскор киноижодкорлар ана шу софликка ҳам гард қўндирдилар, назаримда. Яқинда экранларда намойиш этилган «Ромео ва Жульетта ёхуд лаънатланган севги» фильми ғояси ҳатто ўртамиёна дейишга ҳам арзимайди».

«Маърифат» 9 сентябрь.
Акмал Исломов
«Мактаб чирой очди»:

— Мен мана шу мактабни бундан 15 йил олдин тугатганман. Ҳозир эса мактабни кўриб кўзларимга ишонмаяпман. Бино ўзгача чирой очиб ҳавасни келтирадиган даражада қурилиб-таъмирланибди. Ички томонлари ҳам биз ўқиган пайтдагидан минг чандон ўзгариб кетибди. Аввалари ўқитувчи юриб дарс ўтганда поллар эскирганлиги сабаб ғичирлаб асабга тегар, ҳам халақит берар эди. Ўқув лаборатория хоналари ҳам замонавий жиҳозлар билан бойитилибди».

«Қадрият» 9 сентябрь.
Азим Суюн «Олам — ҳикмат китоби»:

«Кунгабоқар кунга боқиб-боқиб, офтоб нурларини симириб ҳосилланади. Сўнг бошини қуйи солиб сукут сақлайди. У менга ақли-заковати теран донишмандларни эслатади».

Истиқлол одимлари

«Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган цементнинг 42 фоизини Навоий вилояти етказиб бераяпти...»

Бу сўзларни 1999 йилнинг декабрида Юртбошимиз Ислом Каримов навоийлик сайловчилар билан учрашувда айтган эди.

Айни пайтда ҳам «Қизилқумцемент» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти республикамизнинг 49 фоиз сифатли цемент маҳсулотини етказиб бермоқда. Агар ўз вақтида ҳукумат эътибори бўлмаганда, юртимиздаги айрим корхона, ташкилотлар қатори «Қизилқумцемент» ҳам иқтисодий қийинчиликларга дош беролмасдан инқирозга юз тутиши мумкин эди.

Бугуни шарафли, эртаси нурафшон «Қизилқумцемент»



Саҳрода қад ростлаган мазкур заводда илк бор маҳсулот ишлаб чиқарилганига ҳадемай ўттиз йил тўлади. Мақтанса арзигулик ўттиз йиллик муддатда тўхтовсиз, фақат фойда билан, бир маромда ишлаб турган цемент заводи аҳли ўтган йиллар давомида худди пўлат ўтда тоблангандек тобланди, фахрланса арзигулик ютуқларни қўлга киритди. Дастлабки йили бу ерда 300 нафар ишчи иш бошлаганди. Бугун улар сони 2 минг 400 нафарга етди. Корхона жаҳон андозаларига мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бир неча бор халқаро танловларда ғолиб чиқди. 2000 йил ноябрда Испанияда «Олтин юлдуз» нишонига сазовор бўлди. 2001 йилда Пекинда «Олтин кубок» соҳибига айланди. 2002 йилнинг июлида Лондон шаҳрида «Глобал Кволити менежмент» компанияси қарорига мувофиқ махсус соврин олди. 2005 йилда эса корхонага халқаро стандарт бўйича сифат менежменти тизимининг жорий қилинганлигини тасдиқловчи сертификат берилди.

Ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошди. Биргина ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигида 1 350 333 тонна цемент ишлаб чиқарилган бўлса, 2006 йилнинг худди шу даврида бу кўрсаткич 1 376 777 тоннага етди.

Корхонада халқ истеъмол моллари, йўлак плиткалари, шағал, харсангтош, девор блоклари, кичик цемент деворлар, бетон гулдонлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Замонга ҳамнафас бўлиш, давр руҳига мос қадам ташлаш билан бир қаторда, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик ютуқлар гарови эканлигини корхона раҳбари Олий Мажлис Сенати аъзоси Ражаб Жуманиёзов юракдан ҳис этади. Маҳсулот ишлаб чиқариш сифати ва унумдорлигига эришишни кўзлаган ишбилармон раҳбар корхонада бу менинг иккинчи уйим, севимли жамоам деган туйғуни шакллантириш мақсадида чин маънодаги соғлом муҳитни яратди. Жумладан, корхонадаги бўлинмалар ўртасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самараси, маданияти, тозалик ва ободонлаштириш, тартиб-интизом сингари қатор шартлар бўйича танловлар, мусобақалар ўтказиш йўлга қўйилди. Ғолиблар «Дамас», «Тико» русумли енгил машиналар ва катта пул мукофотлари билан тақдирланади. Шунингдек, имтиёзли квартиралар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Аслида, цемент экологик муҳитни бузувчи маҳсулот ҳисобланса-да, заводда бу асло сезилмайди. Бу ерда мусаффо ва тоза муҳит яратилган. Кейинги беш йилда корхона экологик танловларнинг республика ҳамда вилоят босқичларида мунтазам ғолиблигини қўлга киритиб келмоқда. Корхона ҳовлисига ва ёнига 12 минг тупдан ортиқ мевали ҳамда манзарали дарахтлар ўтқазилиб, янги боғлар барпо этилганлиги ҳам атроф-муҳитни яхшилашга ёрдам бераяпти.

Энг муҳими, истиқлол йилларида завод бутунлай янги қиёфага кирди. Буни корхона ҳовлисига кираверишданоқ сезиш мумкин. Корхонага кирган киши ишлаб чиқариш корхонасига эмас, худди сўлим истироҳат боғига кириб қолгандек ҳис этади ўзини. Япроқларида чанг эмас, қуёш нури ўйнаётган азим дарахтлар, бир-биридан муаттар гуллар, атроф-муҳитга файз ва салқинлик бераётган фавворалар илғор корхонани кўз-кўз қилиб турибди.

Ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиши баробарида ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам эътибор кучайтирилди. Яхши меҳнат қилгандан кейин яхши дам олиш, яхши манфаат кўриш ҳам эртанги кун ишига барака беришини корхона мутасаддилари яхши билишади. Ишчиларининг даромади хоҳлагандек яшашга, ўзлари орзу қилгандек уй қуришга, машина олишга етади.

Цементчиларнинг бошқа корхоналар ишчилари ҳавас қилгулик имтиёзлари кўп. Масалан, корхона ҳисобидан квартиралар қуриш ёки ажратиш кейинги йилларда ноёб ҳодиса бўлиб қолган айни пайтда «Қизилқумцемент» ишчилари бу имтиёздан фойдаланмоқдалар. Ишчиларга меҳнат фаолиятига қараб бепул уй-жой ажратиш ҳозир ҳам яхши аҳвона сифатида сақланиб қолган.

Заводдаги тиббиёт пунктида 17 нафар юқори малакали тиббиёт ходими ишлайди. Ҳар йили республикамиздаги етакчи мутахассислар иштирокида ишчилар тиббий кўрикдан ўтказилиб, беморларга шу ернинг ўзида тегишли муолажа ташкил этилади. Зарур ҳолатда санаторийларга йўлланмалар берилади.

Бундан ташқари, цементчиларнинг жаҳон андозаларига мос равишда таъмирдан чиқарилган 100 ўринли профилакторийси ҳар қандай шифо маскани билан беллаша олади. Унда хизмат кўрсатадиган 32 нафар тиббиёт ходимининг аксарияти республикамиз марказида ўз малакасини ошириб қайтди.

Корхона ўтган йили меҳнаткашларнинг фарзандлари учун беминнат совға ҳозирлади. Ҳар мавсумда 800 нафардан ортиқ ўғил-қизлар дам оладиган «Шабода» соғломлаштириш оромгоҳида цементчиларнинг фарзандлари билан бирга, «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ва маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бепул дам оладилар. Евро усулда таъмирдан чиқарилган оромгоҳда болаларнинг мириқиб дам олишлари учун барча шарт-шароит муҳайё.

Вилоят туризм бошқармаси билан ҳамкорликда ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини республикамиздаги муқаддас қадамжоларга, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлардаги тарихий обидаларга зиёратга олиб бориш ташкил этилган. Худди ана шу саёҳатлар учун жорий йилнинг айни даврига қадар 6 миллион 800 минг сўм сарфланди.

Корхонада яна бир ўзига хос анъана бор. У ҳам бўлса, «Қизилқумцемент»да бутун умр меҳнат қилган цементчилар сулоласи кечасининг ташкил этилишидир. Бу учрашувларда корхонада умр бўйи ҳалол меҳнат қилган оталар ва болалар, неваралар таклиф этилиб, фахрли меҳнат кишилари шарафланиб, рағбатлантирилиши кўпнинг ҳавасини келтиради.

Хуллас, «Қизилқумцемент»нинг бугуни шарафли, эртаси нурафшонлигига шубҳа йўқ.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
Маруса ҲОСИЛОВА.

Таълим

Қува туманидаги 62-иқтидорли болалар мактаб-интернати Акбаробод қишлоғида жойлашган. Унинг довруғи аллақачон бутун вилоятга достон бўлиб кетди. Сабаби, бу ерда таълим-тарбиянинг интер-фаол усули жорий этилган. Натижада 2004 йили 11 синфни битирган 48 ўқувчининг 45 нафари, 2005 йили эса 56 ўқувчининг 54 нафари тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, олий ўқув юртларига киришди.

Интер-фаол нима ўзи? Бу — ўқувчиларнинг ўзаро фаоллиги-ю устознинг маҳорати, илғор усуллардан фойдаланиб дарс ўтиши, демакдир.

ҚИШЛОҚДАГИ АЪЛОЧИЛАР МАКТАБИ

Адабиёт фани ўқитувчиси Мухтасар Жумабоеванинг дарсида ўқувчиларнинг қизғин фаоллигини, фикр уруғларини кўрдим. Масалан, 9 «В» синфида 15 нафар ўқувчи бўлса, уларнинг фикри-зикри, онг-шуури тамомила «Шоир Абдулла Орипов» мавзусига қаратилган. Муаллима гўё моҳир режиссёр ва у билими, тезкорлиги билан ўқувчиларни тинимсиз мавзуга йўналтириб, саволлар бериб ва шу заҳоти улардан пишиқ-пухта, лўнда жавоблар олиб, вақтида рағбатлантириб ҳам бораяпти. Ўқувчилар шоирнинг ҳаёти, ижоди, унвонлари, барча асарларининг қисқача мазмунини тез, бурро-бурро сўзлашар, шеър-достонларидан парчани ёд ўқишарди. Кўшиқ бўлиб кетган шеърларидан куйлашарди.

Ажабо, ўқувчилар билан устознинг билими, савияси, иқтидори гўё тенглашиб кетгану ўзаро баҳс авжида. Ана, у уч-тўрт ўқувчини шоир асарларидаги воқеалар расмини чизишга даъват этди. Шу орада яна уч-тўрт ўқувчи шоирнинг ҳажвий асарларидан бирини пантомима шаклида намойиш этишди ва бошқалар жавоб топишди. Қолганлар шоир шеърлари асосида бахру байтни бошлаб юборишди...

Хуллас, ҳар бир ўқувчи мустақил равишда ўқиб, мавзуни пухта ўргангани учун ҳам фикрини тўла-тўкис, иштиёқ билан намоён этяяпти. Ва ўқувчиларнинг, ўқитувчининг фикрлари мавзуни янада бойитиб бораяпти.

45 дақиқа ичида катта бир шоирнинг ижоди ҳақида бой ва тўлиқ маълумотга эга бўлолган ўқувчиларга, уларнинг устозига жуда-жуда ҳавасим келди.

Мен она тили ўқитувчилари Наргиза Эргашева ва Зулхумор Исомиддинованинг, инглиз тили муаллимлари Мавлуда Исроилова, Ўктамхон Ёқубова ва Зуҳриддин Қодировнинг, биология фани ўқитувчиси Маҳбуба Усмонованинг, кимё фанидан дарс бераётган Мухторжон Тўхтабоев ва бошқаларнинг дарсларини ҳам озми-кўпми кузатдим. Ва ҳаммасида ҳам ўзаро фаолликни, уларнинг ақалли бир сония вақти бекор ўтмаганини, фанлар бирбирига чамбарчас боғланиб ўрганилаётганини кўрдим. Айниқса, ўнинчи ва етинчи синф ўқувчилари инглиз тилида ижро этган Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» асаридан парчани мароқ билан томоша қилдим.

Ҳа, бу ерда аввало устозлар иқтидорли. Ҳар бири ўз соҳасини чуқур билади. Ўз ишига астойдил қизиқади, изланади. Болаларни севади. Мактабдаги 32 нафар ўқитувчининг 20 нафари олий, 12 нафари биринчи тоифали. Улар дарс ўтиш билан бирга фанлар бўйича ҳар ҳафтада 55 соат турли тўгарак машғулотларини ҳам олиб боришади. Бу эса болаларнинг кенг доирада, чуқур билимга эга бўлишларига ёрдам бераяпти. Деярли тўрт мингта китобга эга бўлган кутубхона, ўқув зали, мусиқа асбоблари, спорт зали, тиббий хона, ошхона, ётоқхона ўқувчилар хизматида. «Ижодкор», «Интеллектуал ринг», «7х7» клубларида турли фанлар бўйича ажойиб талантлар, зукколар камол топмоқда. Ўқувчиларнинг шеърий гулдасталари нашр этилибди.

Қувончлиси яна шундаки, бу йил биргина шу мактабдан 15 нафар ўқувчи фан олимпиадаларида ғолиб бўлишди. Халқаро олимпиадаларда биринчиликни олишди! Республика телевидениесининг «Ўйла, изла, топ» телемусобақасида уч марта қатнашиб, ҳар гал ғолиб бўлишди. Ва ҳоказо, ҳоказо...

Мактаб директори, республика халқ маорифи аълочиси Холисхон Усмонова билан суҳбатлашар эканман, 22 ёшидан, яъни 31 йил мобайнида мактаб директори бўлиб ишлаб келаётган, эл-юртда фақат обрў-эътибор, ҳурмат топган бу камтарин аёл ўз ютуқларини санамайди.

— Нимагаки эришган бўлсам, — дейди у, — ота-онамнинг ибратли ҳаёти, улар берган тарбия меваси, деб биламан. Қолаверса, Қувамизнинг катта маорифчилари Турсунали Қурбонов, Муфассал Суярова, Лубат Тўлаганова каби устозларимнинг насиҳати, қўллаб-қувватлаши йўлимни ёритди. Ҳозир ҳам, ўрни келганда улар билан маслаҳат иш тутаман.

Отам раҳматли Усмонжон Жумабоев энг талабчан, энг меҳрибон устозим, биринчи ўқитувчим эди. Эл-юрт ишига жуда фидойи бўлган. Нонвойхона, кейин эса катта нон комбинати қурдириб, унга кўп йиллар раҳбарлик қилган. Маҳалламизни обод қилган... Онам Хосиятхон 75 ёшга тўлиб, невара-чевараларга бош бўлиб ўтирибди. Укам Умиджоннинг касби агроном, ҳозир ишнинг кўзини билган фермер. Сингилларим Холида, Шарифа, Насибахонлар ҳам ўқитувчи. Қизим Ҳилола ҳам маориф соҳасида. Мактабдаги ўқувчиларим, қолаверса неваралларим Шоҳжаҳон, Шукрона ва Шоҳнурбеклардан умидларим катта.

Холисхонни тинглаб, ўйга толаман. Демак, мактаб жамоаси инсонга, болага меҳрни, бағри кенглиқни ўз раҳбарларидан ўрганишган. Унинг раҳбарлик санъати буйруқбозликдан, дўқ-пўписадан иборат эмас. Аксинча, ҳар бир ишда ўзи ўрнак кўрсатади. Жамоадан меҳр-оқибатини аямайди. Уларнинг фикрини инобатга олиб, кенгашиб, иш бошлайди. Шоирона лутф соҳибаси адабиёт ва она тили фанини ўқитиш билан бирга, ҳар бир муаллимнинг дарсини кузатиб боради, уларга ёрдам беради. Ўқиб, изланишга даъват этади. Вақти-вақти билан Фарғона Давлат университети олимлари Алижон Мамажонов, Сиддиқжон Мўминов, Муҳаммадқодир Абдупаттоев, Йўлдошали Солижоновлар бу ерга келишиб, кун бўйи ўқитувчилар, ўқувчилар билан суҳбатлашар, машғулотлар олиб борадилар. Тест синовлари ўтказадилар. Бу ҳам, албатта, ўқувчиларнинг билимини, онгини чархлайди.

— Биз бу мактаб-интернатни мустақиллик берган имконият боис 1995 йили ташкил қилгандик, — дейди Холисхон сўзида давом этиб. — Ҳар бир мактабдан еттинчи синфни битирган биттадан иқтидорли ўқувчини тест ва суҳбат асосида танлаб олдик. Дастлабки йили 50 нафарини қабул қилдик. Муаллимларни ҳам қайта тайёрлаб, сараладик. Ўтган йили, айниқса, ўзимизда ўқиган ўқувчилар Муаззамхон, Зуҳриддин, Акрамжон, Ҳавасхон, Иқболой ва Гулсанамхонлар университетни битириб, сафимизга қўшилишгани қувончли бўлди. Ҳозир 380 нафар ўқувчимиз бор ва ўқув йили якунида уларнинг 44 нафарига оқ йўл тилаб қоламиз.

Албатта, биз бу ерда ўқувчиларга чуқур билим бериш билан бирга, уларни яхши едириб-ичириш, истеъдодларини юзага чиқариш, соғлом авлодни вояга етказиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ҳам ҳисобга олганмиз. Бу ҳаракатларимизда туман ҳокимлиги жуда яхши ёрдам бераяпти. Қолаверса, мактаб-интернат ота-оналар қўмитаси раиси Ҳосилжон Қурбонов, ота-оналардан Абдуманноп Эргашев, ака-ука Атҳам ва Абдукарим Абдусаминов, Абдумалик Жўрабоевлар бизни қўллаб-қувватлаб, моддий ёрдам кўрсатишмоқда. Шуларнинг кўмаги билан бу йил синфхоналарни таъмирлаш ишларини туманда биринчи бўлиб, май ойидаёқ адо этдик.

— Ўзингиз тасаввур қилинг, — дейди ниҳоят Холисхон фахрланиб, — августнинг сўнгги кунлари ўқувчиларимнинг «Устоз, ўқишга кирдим!» деган қўнғироқлари ёки баъзиларининг қўлларида гул билан, юз-кўзларида қувонч порлаб, мактабимизга кириб келишлари биз учун қанчалар бахт, меҳнатимизга берилган юксак баҳо!

Ҳа, инсон доимо яхши ният, юксак орзу билан олдинга интилиб яшаса, у албатта муродига етади. Касбини, болаларни жон қадар севган, сира чарчамас бу жонкуяр устозларнинг ҳамиша юзлари ёруғ, қўллари баланд келишига ишончимиз комил. Чунки улар устоз деган шарафли номни чин дилдан оқлаб, изланиб, чинакам иқтидорларни вояга етказаяптилар.

Санъат МАҲМУДОВА.

Солиқ тизими

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хўжалик юритувчи субъектлар вакилларини жалб қилган ҳолда турли тадбир ва анжуманлар ўтказмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, тадбиркорларни солиқ қонунчилигига оид сўнгги янгиликлар билан таништиришдир.

Имтиёз — тадбиркорга имконият демак

Пойтахтимизнинг Миробод туманида ана шундай семинарлардан бири бўлиб ўтди. Унда Сирғали, Яккасарой ҳамда Миробод туманларида фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектлар вакиллари иштирок этишди. Тадбирдан сўнг йиғин қатнашувчиларидан айримларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган бундай тадбирлар бизга жуда маъқул келди, — дейди пойтахтимиздаги "Сардорхон-МХА" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Афзал Умаров. — Чунки соҳада амалга оширилаётган ўзгаришлар, ҳаётга татбиқ этилаётган янгиликлар келгусидаги иш фаолиятимизга бевосита боғлиқ эканлигини жуда яхши биламиз.

Ташкил этилган семинарда Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Паргиев солиққа доир янгиликлар борасида бизга батафсил маълумот берди. Масалан, 2007 йилдан юридик шахсларнинг фойдасига (даромадига) солинадиган солиқ ставкаси 12 фоиздан 10 фоизгача, ягона солиқ тўлови ставкаси 13 фоиздан 10 фоизгача, ягона ижтимоий тўлов эса 25 фоиздан 24 фоизгача камайтириларкан. Солиқ юкининг бу тариқа камайтирилиши бизга жуда катта имкониятлар очиб беради. Ўзимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, энди солиқдан бўшайдиган маблағларимизни ходимларимиз маошини оширишга, корхонамизни замонавий технологиялар билан жиҳозлашга йўналтирмоқчимиз. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, шубҳасиз, имкониятларимизнинг кенгайишига хизмат қилади.

— Солиқ сиёсатидаги бундай ўзгаришлар бизни янада руҳлантириб юборди, — дейди Сирғали туманидаги "Инвест Тош" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳайъатулла Бердиқулов. — Бўлиб ўтган тадбир орқали жуда муҳим маълумотларга эга бўлдик. Янгиликлар бизни қувонтирди. Масалан, ягона солиқ тўлови ставкасининг 13 фоиздан 10 фоизгача қисқартирилиши бир йилда 5-6 миллион сўм миқдоридаги маблағнинг корхонамиз ихтиёрида қолишини таъминлайди. Бу миқдордаги маблағни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирсак, корхонамиз фаолияти янада кенгаяди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, солиқ юкини камайтириш, бюджет сиёсатини либераллаштириш ҳамда унификация қилиш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ ва молия органлари масъулиятини кучайтириш билан боғлиқ аниқ мақсадларга йўналтирилган ислоҳотлар мамлакатимиз иқтисодиёти йилдан-йилга юксалаётганидан далолатдир.

ДСҚ матбуот хизмати.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

Тегишли кўрсатмалар берилди

Газетамизнинг шу йил 27 май сонида «Шаҳримиз гуллаб-яшнаса...» сарлавҳали мақола чоп этилган бўлиб, унда Шаҳрихон боғида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ўлда-жўлда қолиб кетгани ҳақида фикр билдирилган эди. Яқинда таҳририятимизга Андижон вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари А.ҚУВВАТОВ имзоси билан расмий жавоб келди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Мақолада келтирилган ҳолатлар Шаҳрихон туман ҳокимлигида мутасадди ташкилот раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳокама этилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ушбу ҳолатларнинг келгусида қайтарилмаслигини, белгиланган чора-тадбирлар асосида олиб борилаётган ишлар кенг жамоатчилик билан биргаликда муҳокама этиб борилишини вилоят ҳокимлиги ўз назоратига олди».

BELARUS®
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали
МТЗ «Беларус» ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.
KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

TURON BANK
ҲУРМАТЛИ ҲАМЮРТЛАР!
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ТУРОНБАНК»и
барчангизни Ўзбекистан Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади ва байрам туҳфаси сифатида янги
«ISTIQLOL»
чет эл валютасидаги омонатини тақдим этади!
Омонат шартлари
Омонатга қабул қилинадиган валюта тури — АҚШ доллари.
Фоиз даромади — йиллик 14%.
Сақланиш муддати — омонат кирим қилинган кундан кейинги кундан бошлаб 12 ой.
Энг кам омонат суммаси — 1 000 (бир минг) АҚШ доллари.
Фоиз АҚШ долларида омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
Омонат муддатидан аввал қайтариб олинса фоиз тўланмайди.
Омонатга қўшимча маблағлар қабул қилинмайди.
Омонатдан муддати тугамангунга қадар қисман пул қайтарилмайди.
Омонатни янги муддатга расмийлаштириш сони чегараланмаган (омонат қабул қилиш расмий тўхтатилгунга қадар).
Байрам туҳфасидан баҳраманд бўлинг!
Сизнинг омонатингиз кафолатланган!
«ТУРОНБАНК» СИЗ БИЛАН ВА СИЗ УЧУН!
Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:
144-29-89, 144-25-64, 144-32-52, 150-10-10, 150-10-20.

Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ
2006 йил 11 октябрда
ЯККА ҲИМОЯЛАШ ВОСИТАЛАРИНИ ва БАЛАНДЛИГИ 52 метр ЎТ ЎЧИРИШ АВТОНАРВОН МОСЛАМАСИНИ
ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Тендер қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: 700070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси, I-берк кўча.
Талабгорлардан тендерда иштирок этиш таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2006 йил 11 октябрь. Маълумотлар ва тендер ҳужжатлари олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача мурожаат қилиш мумкин.
Тел.: 8-10-99871 361-46-70, 139-78-27, 136-39-53, 361-43-69, 8-10-998712 55-83-28.
Факс: 8-10-99871 136-39-53, 361-43-69, 361-43-73. E-mail: umtvs@uzpak.uz

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!
ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ МАХСУС ҲАРБИЙ ОКРУГИНИНГ УЙ-ЖОЙ ЭКСПЛУАТАЦИЯ БЎЛИМИ
қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:
«Навоий вилояти, Навоий шаҳри, 1-ҳарбий шаҳарчада жойлашган 34051-сонли ҳарбий қисм ошхона биносини тубдан таъмирлаш (калити билан)».
Қурилишни якунлаш муддати — 2006 йил 1 декабрь.
Буюртмачи — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида жойлашган Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округининг уй-жой эксплуатация бўлими. Тел.: (8-375) 112-20-71.
Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қошидаги Мобилизацион чақирув резерви маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, мудофаа объектларида қурилиш-монтаж ишларини олиб боришга рухсат берувчи махсус лицензияга эга, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).
Танлов савдоларида қатнашиш талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.
Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.
Телефон/факс: (436) 225-53-85.
Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати қурилиш учун — 50 минг сўм.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.
Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

MANNESMANN
МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ
В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ
ПРОИЗВОДСТВА ГЕРМАНИИ
под заказ
ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ Тел. (998-90)186-26-40
Тел.: (998-71) 115-28-71;(998-90) 187-60-86. E-mail:asm-uz@yandex.ru

Бир ҳафта мобайнида пойтахтимиздаги «Тошкент теннис маркази» теннис бўйича Осиё чемпионатига мезбонлик қилди. Мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган мусобақада қитъамизнинг йигирмага яқин мамлакатлари теннисчилари бош соврин учун баҳс юритдилар. Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, чемпионатдаги асосий совринли ўринлар ўзбекистонлик спортчиларга насиб этди. Бу юртдошларимизнинг Осиё чемпионатларидаги биринчи ғалабаси эмас.

ИРОДАНИНГ ҚАЙТИШИ

Осиё теннис федерацияси 2002 йилда мазкур нуфузли турнирни Ўзбекистонда ўтказишни маъқул топганди. Қаторасига уч марта уюштирилган чемпионат ўйинлари ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтди. Шуларни ҳисобга олган ташкилотчилар даъвогар мамлакатлар кўп бўлишига қарамай, чемпионатнинг иккинчи муддат мусобақаларини ҳам (2005-2007) юртимизда ўтказишга қарор қилишди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Ўзбекистон пойтахти жаҳон миқёсидаги мусобақалар ўтадиган марказга айланиб бормоқда. Юртимизда спортнинг кўплаб турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари зўр муваффақият билан уюштирилди. Халқаро турнирларни ўтказишда катта тажриба тўпланди. Тошкентда ўтаётган Осиё чемпионатларида ўзбек теннисчилари доимо юқори поғоналарни забт этаётганлари таҳсинга лойиқдир. Турли йилларда Иванна Исроилова, Оқгул Омонмуродова, Вадим Куценко, Олег Огородов, Мурод Иноятов ва Денис Истомин чемпионатда совринли ўринлар соҳиби бўлишган.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, айнан Тошкентдан бошлаб, Осиё чемпионатининг жаҳондаги оммавийлиги ошди. Аввалари теннисчилар чемпионатга фақат мукофот жамғармасини ютиш учунгина келардилар. Пойтахтимизда ўтказилган чемпионатлардан бошлаб яккалик баҳслари ғолибларига теннис оламининг энг нуфузли мусобақаларидан бири — «Australian open»га йўлланмалар берила бошлади.

Мусобақанинг ўтган йилги ғолиблари — Оқгул Омонмуродова ва Денис Истоминлар бу сафар ўз имкониятлари даражасида қатнаша олмадилар. Оқгул ярим финалгача катта қийинчиликсиз етиб келди. Лекин ярим финалда тажрибали теннисчи Юнг- Жан Чан (Хитой Тайпейи)га имкониятни бой бериб қўйди. Мусобақадан сўнг уюштирилган матбуот анжуманида теннисчимиз яқинда олган жароҳати унга тўсқинлик қилганини айтиб ўтди.



Денис Истомин ҳам чемпионат ўйинларини кўтаринки рухда бошлаганди. У Ануш Шохголи (Эрон), Арсен Асанов (Ўзбекистон), Вунг Сан Жун (Ж. Корея), Алексей Кедрюк (Қозоғистон)ларни енгиб, финалга йўлланма олди. Бироқ финалда турнирнинг биринчи ракеткаси Соеда Гога ютқазиб қўйди.

Бу йилги чемпионат ўзбек тенниси юлдузи Ирода Тўлаганова учун омадли келди деб, бемалол айтиш мумкин. Барчага маълумки, Ирода ўз вақтида Уимблдон ва «Тошкент опен» (2000) турнирларида ғолиб чиққанди. Аммо қўлидан олган жароҳати туфайли узоқ муддат профессионал теннис мусобақаларида қатнаша олмади. Оғир дамларда Ироданинг кўнглидан нима кечганлиги унинг яқинларию мураббийларига маълум. Лекин, шундай оғир кунларда ҳукуматимиз, спортимиз мутасаддилари иқтидорли теннисчимизни яккалатиб қўйишмади. Тошкентда ўтаётган турнирлар унга аста-секинлик билан яна ўз муваффақиятини тиклаб олишига ёрдам берди. Чемпионат олдидан Ирода Италияда ўтган «Фюьчерс» турнири ғолиби бўлганди. Осиё чемпионатида у етттинчи рақамли теннисчи сифатида кортга чиқди. Дастлабки учта беллашувни осонлик билан ўз фойдасига ҳал қилди. Ярим финалда ҳиндистонлик теннисчи Шикха Уберои устидан қозонилган ғалаба унинг бош соврин учун курашга бўлган ишончини янада оширди. Финалда эса, Оқгулни мағлубиятга учратган Юнг-Жан Чан билан учрашди. Уч сет давом этган беллашув ҳамюртимиз фойдасига ҳал бўлди.

— Мен чемпионат бошланиши олдидан бош соврин учун бор имкониятимни ишга солиб ҳаракат қилишимни айтгандим,— дейди Ирода Тўлаганова. — Мана, чемпион бўлдим. Албатта, бу ютукда ўйинлар давомида мени қўллаб-қувватлаб турган юртдошларимнинг хизмати катта деб ҳисоблайман. «Australian open»га йўлланма олишим менга катта муваффақиятларга йўл очиб бериши шубҳасиз.

Аёллар ўртасидаги жуфтлик беллашувлари ғолиблиги Чиа-Жунг Чуанг ва Юнг-Жан Чан (Хитой Тайпейи)ларга насиб этди. Эркаклар ўртасида эса Денис Истомин ва Мурод Иноятов (Ўзбекистон)лар учинчи бор Осиё чемпионлигини қўлга киритдилар.

Осиё теннис федерацияси ижрочи директори Ражив Шарма яккалик баҳслар ғолибларига «Australian open» йўлланмасини топширди. Ниҳоят мухлислар ҳаяжон билан кузатган теннис бўйича «Осиё чемпионати—2006» мусобақалари якунланди. «Тошкент теннис маркази» кортлари яна сокинлашиб қолди. Лекин бу сокинлик узоқ давом этмайди. Яна йигирма кундан сўнг пойтахтимизда WTA туркумига кирувчи нуфузли «Тошкент опен» турнири бошланади.

Осиё чемпионатининг тантанали ёпилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев, маданият ва спорт ишлари вазири Р. Қурбонов иштирок этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ
олган сурат.

«МЕДИОФАРМ»
ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ
Сизларга соғлиқ-саломатлик тилаймиз!
Истагимиз – ҳеч қачон бизнинг дори-дармонларимизга муҳтожлик сезманг.

Айтмасам бўлмас!

«Эски жўва деҳқон бозори»га тез-тез бориб тураман. Бундан бир ярим-икки йил олдин келганлар бу ерни дафъатан таниёлмаслиги аниқ. Чунки давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эски шаҳарда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Илгари ҳамма нарса аралаш-куралаш эди. Бирор нарса харид қилгани бозорга тушган киши ўзи истаган маҳсулотини топиш учун камида ярим кун оворaю сарсон бўларди. Бугунчи? Ҳамма жой ораста. Эски иморатлар ўрнида замонавий бинолар қад ростлаган. Маҳсулотлар турига қараб савдо расталари қайтадан қурилди. Бир сўз билан айтганда, бозор янгича қиёфа касб этди. Аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти тубдан ўзгарди.



«ЭСКИ ЖЎВА»ДАГИ ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

Лекин бир нарса одамни ҳайрон қолдиради. «Эски жўва деҳқон бозори»даги гўшт маҳсулотлари сотиладиган бўлимга умуман кириб бўлмайди. Атрофни бадбўй ҳид тутган. Гўшт сотиладиган бинода эса юриш мушкул. Тўғри, бу ерда исталган гўшт маҳсулотларини топиш мумкин, бироқ манзара кўнгилни ағдариб юборгудек.

— Харидорнинг эътирозларида жон бор, — дейди Сағбон кўчасида янгидан қуриб битказилган «Гўшт, сут ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдо мажмуи» маъмурияти вакили. — Мазкур ҳолатни чуқур ўрганиб чиқиб, тез бузиладиган гўшт ва сут маҳсулотлари савдоси учун ҳар томонлама қулай ва замонавий мажмуа қуриш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигига ер майдони ажратиш учун мурожаат билан чиққандик. Ўз навбатида, шаҳар ҳокимлиги бизнинг ташаббусимизни қўллаб-қувватлади. Ўтган йил 10 майда Тошкент шаҳар ҳокимининг шўъба корхонага ер ажратиш ва икки йилда мазкур мажмуани қуриб, фойдаланишга топшириш тўғрисидаги қарори чиқарилди.

Қисқа вақтда қарийб бир миллиард сўмга яқин маблағ сарфланиб, «Эски жўва деҳқон бозори»нинг шимоли-ғарбий қисмида уч қаватли муҳташам савдо мажмуи қурилиб, муддатидан олдин Ватанимиз Мустақиллигининг 15 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди.

Мазкур мажмуада 350 та савдо растаси мавжуд. Нархи бироз қиммат бўлса-да, халқимизга сифатли маҳсулотларни етказиб бериш мақсадида зангламайдиган, гўшт маҳсулотларига зарар етказмайдиган, қолаверса, пўлат материалларидан расталарни буюртма асосида тайёрлатиб, ўрнатдик. Мажмуа ичкариси замонавий супермаркетларни эслатади. Ҳавони тозалайдиган махсус ускуналар ўрнатилган. Ҳар бир қаватда сўнгги русумдаги кондиционерлар ишлаб турибди. Бу ерда кўнгилни беҳузур қилувчи ҳидни сезмайсиз. Биринчи қават мол гўшти ва қази-қарта сотишга мўлжалланган. Иккинчи қаватида қўй гўшти ва ярим тайёр гўшт маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилган. Сўнгги қаватда эса сут ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун мўлжалланган музлатгичли расталар ўрин эгаллаган.

Шунингдек, бу ерда гўштларни бўлаклаш учун махсус хона қилинган. Бундан ташқари, сотувчиларга махсус кийим берилади.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, мажмуада иккита ветеринария-санитария экспертиза лабораторияси ишлаб турибди. Уларнинг ҳар бири зарурий ускуналар билан таъминланган. Мажмуага кириб келаётган ҳар бир маҳсулот пешма-пеш текширувдан ўтади.

Гўшт ва сут маҳсулотларини сақлаш учун иккита музлатгичимиз бор. Бу ерда 30 тоннадан кўпроқ маҳсулотларни узоқ муддат сақлаш имконияти бор.

Тадбиркорларимиз учун бир фойдали маълумотни таъкидлаб ўтишни истардим: бизда расталарнинг ижара ҳақлари арзон. Қолаверса, бошқа бозорлардагига ўхшаб мажмуада паттачилар фаолият юритишмайди. Тадбиркорлар савдодан тушган нақд пулларини «Туркистон» банкининг шу ернинг ўзида ишлаб турган филиалларига олиб бориб топширишади. Ортиқча воситачига ҳожат йўқ. Фақат назоратчилар бу жараённи кузатиб борадилар. Бу эса баъзан учраб турадиган талон-торожликларга йўл қўймайди.

Мажмуа фаолияти билан яқиндан танишганимиздан сўнг «Эски жўва деҳқон бозори»да фаолият кўрсатиб келаётган гўшт бозорига йўл олдик. Манзилга етмасимиздан офтоб тиғида учтўртта қассоб қўлидаги гўштни ҳадеб реклама қилмоқда. Бозорга яқинлашганимиз сари ичкаридан таралаётган бадбўй ҳид ҳам кучайиб бораверади. Бино ичида эса ўткир ҳиддан дамингиз қайтиб кетади.

Мармардан ясалган расталар қачон тозаланганини ҳеч ким айтиб беролмаса керак. Қон юқи қотиб қолган. Унинг устига айрим «фаросатли» қассоблар ўша растага ҳеч бир нарсага ўрамаган ҳолда шундоққина гўштларни ёйиб қўйибди. Бу ерга кирган одамнинг кўнгли айниши турган гап. Шифтга эса умуман қараб бўлмайди.

Мармардан ясалган полга қон тўкилавериб, сирпанчиқ бўлиб кетган. Бунинг устига чироқларнинг деярли ҳаммаси ишдан чиққан. Қассоблар ҳам бунинг олдини олиш учун полга қипиқ сепиб чиқишган. Бу эса қон билан аралашиб, қотиб қолган.

Шундан сўнг гўшт маҳсулотларини сақлайдиган музлатгич томон юрдик. Музхонада таъбингиз янада хиралашади. Совуқлик чиқиб кетмаслиги учун эшикка кир-чир бўлиб кетган қалин чойшаб илиб қўйилган. Санитария ҳолатига жавоб бермаслигини билиш учун дўхтир бўлиш шарт эмас.

Ветеринария-санитария лабораториясига йўл олдик. Бу хонада фақат битта стол (эскилигидан яқинлашишга ижирғанасан киши) ва учтўртта раста. Ҳатто, бу ерда санитария-эпидимиология врачининг қўлини ювишга шароит йўқ. Чиқиб кетаётганда пештоққа ёзиб қўйилган бир ёзувга кўзимиз тушди: «Гўшт ички органларсиз (калла, жигар, талоқ, ўпка, юрак) ўтказилмайди». Биз тушдан кейин соат учларда лабораторияда эдик. Хонанинг бир томони бозорга олиб кирса, иккинчи томони кўчага олиб чиқади. Бирорта врач у ёқда турсин, ҳатто бозорга кириб келаётган маҳсулотларни назорат қилиб турувчи қоровул ҳам кўринмади. Бозорда картошка, пиёз юкланадиган аравачаларда қассоблар гўштни ҳеч нарсага ўрамасдан бемалол ташиб келтиришмоқда.

Энди айтингчи, бу хонани лаборатория дейиш мумкинми?

Баъзан, қишлоққа борганимда, кимнингдир боқилган хўкизи тўсатдан ўлиб қолса, кушхонага арзонга топшириб келибди, деб эшитиб қоламан. Ана шу «арзон» баҳодаги гўшт бу бозорга ҳеч бир тўсиқсиз кириб келмаяпти, дея ким кафолат бера олади? Балки, сизнинг қозонингизда қайнаётган гўшт ҳам ўша қассоб тиғига етмай жон берган хўкизникидир? Бозордаги ҳолатни ўз кўзи билан кўргандан сўнг бундай ҳадикли савол ҳаммада туғилиши табиий.

Бозор ёнгинасида барча қулайликларга эга, замонавий муҳташам мажмуа бўла туриб, нега тадбиркорлар айнан бу ғалвали бозорда ишлашни афзал кўришаяпти?

— Мен шу бозорда етти йилдан буён ишлайман, — дейди ўзини сотувчи деб таништирган Тоир Каримов. — Ҳақиқатан, бу ернинг ачимсиқ ҳидига чидаб ўтиришнинг ўзи азоб. Соғлиғимга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Биз ҳам янги қурилган мажмуада ишлашни жон-дилдан хоҳлаймиз, лекин бизнинг мижозларимиз шу ерга ўрганган.

Хулоса ўрнида таъкидлашни истардикки, жамоатчилик бу ҳолатга эътибор қаратиши лозим. Харидор ҳам, сотувчи ҳам ўз соғлиғига бефарқ қарамаса керак. Шу пайтгача мазкур масалага эътибор қилмаётган мутасаддилар ҳам, озгина бўлса-да, халққа қайишсалар ёмон бўлмасди.

Юнус БЎРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кўзни қувонтирувчи ушбу муҳташам мажмуа савдо маданиятининг барча талабларига жавоб беради.

Деярли ерга қўйиб сотилаётган гўшт маҳсулотлари сифатига ким кафолат бераркин?

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютер AVTODOM PLUS
АВТОМОБИЛЛАР – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ – ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

KAMMAZ ARSENAL
юк машиналари учун
ШИНА
таклиф этади
Тел.: 152-73-81, 361-40-33, 361-40-90.
Сайт: www.uzkam.com
Товар сертификатланган
Манзил: Тошкент ш., «Братислава» к., 11 (мўлжал – Бобур боғи)

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Соҳа иқтисодиёти ва менежменти факультети декани доцент Ҳамид Темировга оғаси **ШАФОАТХОН ҳожи онанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Малака ошириш факультети декани доцент Абдумалик Пирматовга акаси **Илҳомжон ПИРМАТОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси жамоаси кутубхона ходими Доно Мирабидовага отаси **Миркарим МИРАБИДОВнинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.00 23456